



“ 16 ” ноябрь 2018-й № 23

**“Автомобиль транспорти фаолияти асосий кўрсаткичларини
аниқлаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек автомобиль транспорти фаолиятининг ривожланиш ҳолатини статистик ҳисобда акс эттириш бўйича статистик маълумотларни шакллантириш услубиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика кўмитаси **қарор қилади:**

1. “Автомобиль транспорти фаолияти асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Давлат статистика кўмитасининг 2016 йил 19 майдаги “Автомобиль транспорти фаолияти асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2018 йилнинг 20 ноябридан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Бегалов